

2001-yil fevral oyidan
chiqa boshlagan

Buyuk kelajakni birga quramiz!

Ijtimoiy-siyosiy,
ma'naviy-ma'rifiy,
adabiy-badiiy gazeta

2025-YIL, IYUL,
№ 14 (548)

BUKHORO YOSHLARI



“ДОЛЗАРБ 90 КУН” - ёрқин саъй-ҳаракатлар гавҳари

Юрт равнақи, халқ фаровонлиги учун хизмат қиладиган ҳар бир лойиҳа — тинч ҳаётимизнинг мустаҳкам пойдевори ҳисобланади. “Долзарб 90 кун” лойиҳаси ҳам айнан шу ўзгаришлар, ободончилик ва ҳамжиҳатлик руҳида амалга оширилаётган муҳим бир масофадири.

Ўзбекистоннинг тарихий, маданий ва маънавий мероси билан нафас оладиган бу ўлкада “Долзарб 90 кун” лойиҳаси доирасида кўплаб хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Қадимий шаҳарнинг ҳар бир гўшаси шу лойиҳанинг кучли таъсири билан янгилашиб, замонавий ҳаёт талабларига жавоб бераётгани — вилоят аҳли учун катта шодлиқдир.

Бухоро кўчаларидаги таъмирлаш, маҳаллаларни ёритиш, кўкаламзорлаштириш ва тозалик ишлари ҳар бир бурчақда сезиларли ўзгаришларни тақдим этмоқда. Бу — нафақат, кўрамлик, балки одамлар қалбида ҳам эзгулик ва умид нури ёқадиган қудратдир. Ҳар бир умид, ҳар бир ташаббус инсонларнинг ҳаётини енгилаштиради, уларга янги имкониятлар эшигини очади.

Абитуриент+

БУ – БЎЛАЖАК КЕЛАЖАК СИНОВИ - СИНОВЛАРДА ҲИССИЁТГА БЕРИЛМАНГ!


Ёзнинг қизғин палласи — бу, нафақат, табиатнинг қизиб кетган даври, балки орзу ва мақсадлар тўлқинида яшовчи минглаб ёшлар учун ҳал қилувчи босқич — давлат тест синовлари вақти ҳамдир. Ўзбекистон бўйлаб юз минглаб абитуриентлар айнан шу кунларда ўз келажагини белгилаб берадиган, улуг йўлга олиб боровчи муҳим синовга тайёргарлик кўришмоқда.

Бу синовлар шунчаки қоғоздаги савол-жавоблар эмас. Бу — йиллар давомида орттирилган билим, меҳ-

Лойиҳа доирасида кам таъминланган оилалар, ногиронлиги бор фуқаролар ва ёшлар учун кўплаб хайрия тadbирлари ташкил этилмоқда. Бухоро аҳлининг меҳр-оқибати, ҳурмати ва кўмаклашуви — давлат сиёсати билан биргаликда халқпарварлик руҳидаги янгиликларни илгари сурмоқда. Шунингдек, “Долзарб 90 кун” лойиҳаси доирасида ёшлар ташкилотлари, халқ таълими, маданият ва спорт соҳаларида ҳам фаол саъй-ҳаракатлар амалга оширилмоқда. Ёш авлодни билим ва маърифатга даъват этувчи ушбу лойиҳа орқали келажакка боғланган умидлар янада мустаҳкамланмоқда.

Маълумотларга кўра, ушбу лойиҳа доирасида вилоят бўйича жами 19 та ташкилот ва идоралар томонидан 37 та йўналишда маънавий-маърифий, ташкилий ва спорт тadbирларини ўтказиш белгиланган бўлиб, минглаб ёшлар жалб қилинади.

- Айни кунга қадар жами 37 211 нафар ёшларнинг бўш вақтлари



Видеолавҳани QR орқали кўринг

мазмунли ташкил этилди. Ёшларнинг бандлигини таъминлаш бўйича 23 та йўналишда 103 минг нафар ёшларни иш билан банд қилиш режа қилинган. Биргина касб-хунар ўргатиш бўйича ташкил этилган 240 та тўғарақларга 2 965 нафар ёшлар қамраб олинди. Шундан, айти, мобилография ва веб дизайн йўналишида 36 та тўғарақларга 664 нафар ёшлар, робототехника ва ардуино йўналишида 17 та тўғарақларга 273 нафар, тикувчилик йўналишида 41 та тўғарақларга

435 нафар, сартарошлик йўналишида 25 та тўғарақларга 205 нафар, ошпазлик йўналишида 26 та тўғарақларга 214 нафар, кулолчилик йўналишида 9 та тўғарақларга 83 нафар ёшлар ва бошқа йўналишлардаги 86 та тўғарақларга 1091 нафар ёшлар жалб қилинди. Хорижда ишлаш истагида бўлган ёшларга чет тилларини ўргатиш бўйича ташкил этилган 95 та тўғарақлар атрофида 1909 нафар ёшлар бириктирилди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш

мумкин. “Долзарб 90 кун”нинг ҳар бир кунини ана шундай аниқ фактлар асослари бўйи. Маҳорат дарслари талабаларнинг амалий иштирокидаги машғулотлар билан якунланди ва уларга ўзига хос мотивация ҳамда тажриба бўлмоқда. Муҳими, Бухоронинг соғлом ва фаровон келажаги учун бу лойиҳадаги ҳар бир қадам, ҳар бир амал — миллатнинг янги саҳифасини ёзувчи буюк гуруҳ ва ифтихор манбаи бўлмоқда, деди Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Бухоро вилоят Кенгаши раиси Миршод Очилов.

Ҳа, мазкур лойиҳа, Бухоройи шарифимизнинг ободонлиги, балки унинг руҳий юзи, маънавий юксалиши ва бирдамлигини ифодалаётган кўрқидир.

Шу кунларда абитуриентлар, нафақат, тест саволларини такрорлашмоқда, балки психологик тайёргарликни ҳам ўтказмоқда. Ота-оналар ва ўқитувчилар учун эса бу пайт — фарзандига руҳий кўмак бериш, уни кўллаб-қувватлаш вақтидир.

Ҳурматли абитуриентлар!

Давлатимиз сизларнинг билим-ли, ватанпарвар ва замонавий етук кадрлар бўлиб етиштишингизни кутади.

Ҳар бирингизнинг меҳнатингиз зое кетмасин, ҳар бир белгиланган тест жавоби келажагингизга нузли йўл очсин! Синовларда ҳиссиётга берилмай, тинч ва ишончли ҳолатда қатнашинг. Омад ҳамisha тайёр бўлганлар томонда бўлади!

Абитуриентларга омад тилаб,
“BUKHORO YOSHLARI”
газетаси жамоаси.



Рустам Раҳимбоев.

Бухоро давлат Педагогика институти ректори ёрдамчиси,
Сенат ҳузуридаги Ёшлар парламенти аъзоси ва Бухоро вилояти
Туризм бошқармаси бошлиғининг маслаҳатчиси – “Ёш туризм элчилари”
Бухоро вилояти кенгаши раиси сифатида фаоллик кўрсатиб келмоқда.

Рустам Раҳимбоев: “ЎЗ КУЧИГА ИШОНГАН ЁШЛАРНИ ҲЕЧ ҚАНДАЙ ТЎСИҚ ТЎХТАТА ОЛМАЙДИ...”



Видеолавҳани QR-код орқали кўринг

— Болалигингиздаги орзуларингиз бугунги фаолиятингизга қанчалик мос келади?

— Болалигимда актёр бўлишни орзу қилганман. Аммо, улғайганим сари спорт соҳасига қизиқишим ортди. 5-синфдан бошлаб таэквондо, кейинчалик футбол билан шуғулландим. Ҳозирги фаолиятимда эса спорт, тарбия, ташаббус ва етакчилик йўналишлари уйғунлашган.

— Сизга энг катта таъсир кўрсатган устозингиз?

— Олийгоҳдаги устозим, педагогика фанлари доктори, профессор Баҳодир Маъмуровнинг ишончи ва мотивацияси туфайли ҳаётимдаги анчагина қийин дамларни босиб ўтдим. Шунинг эвази - магистратурага давлат гранти асосида қабул қилиндим.

— Кўплаб жамоат ташкилотлари, парламент, кенгашлар ва бошқа муҳим йўналишларда фаолият олиб боряпсиз. Булар орасида сиз учун энг масъулиятли ва машаққатлиси?

— Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда Сенат ҳузуридаги Ёшлар парламентида ишлашим менинг ҳаётимдаги муҳим мактаб бўлди. Сиёсий

саводхонлик, жамоатчилик билан ишлаш, ёшлар манфаатларини илгари суриш борасида катта тажриба тўпладим. Назаримда, шу ўрганганларим ва айнан, бундаги иш фаолиятимнинг тенгдош дўстларимга боғлиқлиги мени ёшларга янада кўпроқ яқинлаштирди. Ва ўзимда ҳам кўпроқ масъулиятни ҳис қиламан.

— “Ёшлар – жамият таянчи” деган ғояга қандай қарайсиз?

— Ҳақиқатан ҳам ёшларнинг бугунги ҳаракати эртанги куннинг қандайлигини белгилайди. Демак, ҳар бир ёш ўз устида ишлаши, билимли ва ташаббускор бўлиши муҳим. Мен ҳам шунинг аниқлиги ҳолда вақтимни самарали ишларга сарфлашни афзал биламан. Шунинг натижаси сифатида “Ёшларни қўллаб-қувватлаш жамоатчилик ҳаракати”ни мисол келтиришим мумкин. Бу ҳаракатни яқинда бошлаган бўлсак-да, мактаб ўқувчилари ўртасида математика фанидан очиқ олимпиада ташкил этишга улгурдик. Кўнгилли ёшлардан иборат жамоамиз билан таълим, спорт, инновация ва ижтимоий лойиҳалар йўналишида йирик режаларни амалга оширишни мақсад қилганмиз.

— Ёшлар дуч келаётган асосий муаммолар нималарда? Уларга қандай ечимлар таклиф қила оласиз?

— Назаримда, йўл-йўриқ ва аниқ мақсаднинг йўқлиги, лоқайдлик одатлари бугунги айрим ёшларнинг муаммоси. Ечим сифатида: таълим сифати, касбга йўналтириш, устоз-шогирд тизимини кучайтириш ва ёшлар учун реал имкониятлар яратишни таклиф қилган бўлардим. Ҳар бир ёш ўз кучига ишониб, астойдил ҳаракат қилса, ҳеч қандай тўсиқ уни тўхтата олмайди.

— Сиз учун вақт бу...?

— Вақт – бебаҳо бойлик. Уни илм олиш, спорт билан шуғулланиш, тил ўрганиш ва ўз устида ишлашга сарфлаш – энг тўғри йўл. Марралар сари қадам.

— Ишонамизки, ҳар бир дақиқа муваффақиятлар олиб келади.

— Раҳмат.



Азизжон Қаҳҳоров: “КЕЛАЖАК ЁШЛАР ҚЎЛИДА – БИЗ ЭСА УЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШИМИЗ КЕРАК!”

Азизжон Қаҳҳоров.

Республика Маънавият ва маърифат
маркази Ёшдун туман бўлинмаси
раҳбари, Халқ депутатлари туман
кенгаши депутати, “ЎзЛиДеП” аъзоси,
фаол ижодкор ва ташаббускори.

— Замонавий ёшлар қандай бўлиши керак?

— Ёшлар - келажакни шакллантирувчи куч. Улар замонавий билим, рақамли саводхонлик, хорижий тилларни билиши, инновацияларни ўзлаштириш борасида фаоллик кўрсатиши зарур. Шу билан бирга, миллий қадриятларимизга садоқатли, глобал дунёқарашга эга бўлишлари лозим.

— Ёшлар билан ишлашда депутатлар роли?

— Аввало, депутат ёшлар манфаатини доим устувор, деб билиши керак. Бу қонунчилик ташаббусидан бошлаб, ҳудудлардаги муаммоларни ўрганиш, уларни ҳал этиш бўйича ваколатли ташкилотларга мурожаат қилишгача бўлган жараёни ўз ичига олади. Ёшлар билан бевосита мулоқотда бўлиш, улар билан бирга тадбир, лойиҳаларда иштирок этиш, таклифларини эшитиш — бу менинг иш принципларимдан бирidir.

— Ёшлар нимадан илҳом олади, сизнинг-ча?

— Илҳом манбалари ҳар кимда ҳар хил. Бугунги кунда ижтимоий тармоқлар, машҳур шахслар, технология ва инновация, спорт, маданият ва шахсий ютуқлар энг катта мотивация манбаи ҳисобланади. Аммо, энг барқарор илҳом — ўз устида ишлаш, натижага эришишдан



ҳосил бўлган ички кучдир. Шундай ёшлардан мен ҳам доимо руҳланаман.

— Ёшларнинг ижтимоий тармоқлардаги фаоллигига қандай қарайсиз?

— Ижтимоий тармоқлар кучли восита. Улар орқали ёшлар ахборот олади, фикр билдиради, ўзини кўрсатади. Аммо, ундан меъёрида ва мақсадли фойдаланиш муҳим. Негаки, ҳаддан ташқари ёки нотўғри фойдаланиш салбий оқибатларга олиб келиши мумкин. Шунинг учун ёшлар орасида медиа саводхонлигини ошириш бугунги кун талабидир.

— Сиз келажакда ёшлар сиёсатини қандай тасаввур қиласиз?

— Мен ёшлар сиёсатини интерактив, очиқ ва тенг имкониятларга асосланган тарзда кўраман. Ҳар бир ёш ўз фикрини айта оладиган, қарор қабул қилиш жараёнида иштирок этадиган, ўз салоҳиятини рўёбга чиқарадиган сиёсат бўлиши керак. Айниқса, экология, рақамли иқтисодиёт, инновацион тадбиркорлик каби йўналишларда ёшларнинг иштироки муҳим аҳамият касб этади.

— Суҳбат учун раҳмат.

ЯНГИ ДАВР ЭШИГИНИ ҚОҚАЁТГАН ТЕХНОЛОГИЯ

Замон ўзгаришти. Илгари фақат киноларда кўрадиган, ҳаёлий туюлган технологиялар энди ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланыпти. Сунъий интеллектни ана шулар сирасига киритсак бўлади. Ўз номи билан сунъий бўлса-да, бизга бегона эмас. У аллақачон ҳаётимизга кириб улгурган.

Оддий айтганда, сунъий интеллект — бу одам каби ўйлай оладиган, қарор қила оладиган ақлли компьютер тизими. Масалан, телефон орқали буйруқ берасиз, у эса сиз хоҳлаган ишни сўзсиз бажаради. Сиз билан соатлаб суҳбатлашиши ҳам мумкин. Бу оддий кўринган ҳолатларнинг ортида мураккаб, аммо ҳайратланарли технология — сунъий интеллект турибди.

Бугун дунёнинг кўплаб соҳаларида фаол қўлланиляпти. Тиббиётда — касалликни аниқлашда, қишлоқ хўжалигида — ҳосилдорлигини оширишда, таълимда



— ҳар бир ўқувчининг даражасига мос материал танлашда, ҳаттоки, ҳайдовчисиз автомобилларни бошқаришда ҳам ундан фойдаланишяпти. Бу технология бизга вақт тежаш, аниқликни ошириш ва мураккаб ишларда ёрдам бериш билан катта имкониятлар эшигини очяпти.

Аммо, ҳар бир тараққиётда бўлгани каби, бунда ҳам саволлар бор: бўш иш ўринлари қамаядими? Одамлар ўз ишини йўқотадими? Биз сунъий ақлдан фойдаланамизми ёки у бизни бошқарадими? Бу саволлар жавоби ўзимизда. Чунки, ҳар қандай қудратли технология нотўғри йў-

налишда ишлатилса, фойдадан кўра зарар келтириши мумкин.

Шу боис, бугун энг муҳим вазифа — сунъий интеллектни чуқур тушуниш, ундан тўғри фойдаланиш ва уни инсоният манфаати йўлида ишга солишдир. Айниқса, ёшларимиз бу соҳада билимга чанқоқ бўлиши, яратиш, бошқариш ва ривожлантиришда фаол иштирок этиши керак. Чунки эртанги кун айнан шу технологиялар билан чамбарчас боғлиқ.

Сунъий интеллект — бу, нафақат, дастур ёки қурилма, бу бизнинг янги даврдаги ёрдамчимиз. Уни тўғри тушунсак, бизни энгилликка етаклайди. Уни тушунмасак — ўзимизни тушунмаймиз.

Сунъий интеллектдан тўғри фойдаланайлик ва бошқарувни унинг қўлига бериб қўймайлик!

Саҳифани “ВУО” муҳбири
Дилнавоз ТЎХТАЕВА тайёрлади.



БУХОРО YOSHLARI

Бухоро — тарих ва маърифат маскани, қалблар орасидан чўгдек ёнаётган илм ва маданият шахри. Бир замонлар ислом оламига илм нуруни сочган бу азиз замин, бугунги кунда спорт майдонларида ҳам ўзининг баркамол ва бардошли авлодини дунёга танитаётир. “Долзарб 90 кун” лойиҳаси доирасидаги ислохотлар ҳам бу жараёни янги босқичга кўтармоқда.

Ҳар бир деворда орзу қуршалган

Спортдаги ютуқлар замирида, аввало, ёшлар учун яратилган шарт-шароитлар мужассам. Бухоро вилоятидаги спорт мактаблари, замонавий спорт заллари, сунъий майдонлар ва ёпиқ ареналар — бунёдкорликнинг амалий намунаси бўлиб хизмат қилмоқда. Қоракўл, Жондор, Когон, Ғиждувон каби туманларда замонавий спорт мажмуалари, ёпиқ бассейнлар, футбол ва волейбол майдонлари, спорт мактаблари барпо этилмоқда. Яқинда вилоят марказида очилган янги олимпия захираси спорт мактаби ёшлар учун, нафақат, машғулот жойи, балки орзу қанотларини ёйиш масканига айланди.

- Бугунги кунда вилоятда жами 3 536 та спорт иншоотлари ҳамда 30 та спорт таълим муассасалари фаолият юритмоқда. Жорий йил давомида олимпия спорт турлари бўйича қўшимча 439 та секциялар ташкил этилди ва қамров 28 фойзга оширилди. 19-30 ёшдаги 3,2 минг нафар уюшмаган ёшлар спорт мактабларига жалб этилди. Бунда, албатта, шариф ўлкамизнинг қарийб, ҳар бир бурчида барпо этилаётган спорт

Жараён

2025-yil, iyul, № 14

3

БУХОРО СПОРТИ: ЯНГИ НАФАС, ЯНГИ МАРРАЛАР САРИ



Видеолавҳани QR-код орқали кўринг

иншоотларининг аҳамияти бор. Спорт объектларининг қурилиши — бу оддий деворлар эмас. Унинг ҳар бир гиштига орзу қуршалган, унда ҳар бир мўйсифиднинг дуоси, ҳар бир устанинг меҳри бор. Бухорода амалга оширилаётган қурилиш ишлари орқали фақат бино эмас, балки келажак пойдевори ҳам қўйилапти. Бу бино ва иншоотларда эртанги чемпионлар ўсади, Ватан байроғини кўтарувчи юрт фарзандлари етишиб чиқади,- деди Бухоро вилояти Спорт бошқармаси бошлиғи Ўткир Нажмиддинов.

Ифтихорли ғалабалар — миллатнинг юраги

Бухоро спорти, бугун, нафақат, ички мусобақаларда, балки халқаро спорт ареналарида ҳам ўз сўзини айтмоқда.

Каратэ, дзю-до, эркин кураш, гимнастика, футбол ва бошқа кўплаб спорт турларида ёш спортчиларимиз юксак натижаларга эришмоқда. Улар билан фахрланамиз, чунки улар ғалаба билан юрт шарафини, миллат қудратини намоён этишмоқда.

Маълумот ўрнида: жорий йилнинг ўзида олимпия спорт турлари бўйича қўшимча 439 та секция ташкил этилган. Бу орқали спорт билан қамров 28 фойзга оширилган. Спортга жалб этилмаган ёшлар қатламини қамраб олиш мақсадида 19-30 ёшдаги 3,2 минг нафар уюшмаган ёшлар турли спорт мактабларига жалб этилган.

Спорт – келажак учун сармоя

Айтиш жоизки, бу иншоотлар, нафақат, кўзгуда, балки юракда қурилган. Уларда ёшлар учун барча шарт-шароитлар яратилган:

замонавий тренажёрлар, халқаро стандартларга жавоб берадиган жиҳозлар, малакали мураббийлар ва энг асосийси — эзгу ният бор.

- Спорт соҳаси орқали жиноятчиликнинг олдини олишда ҳам муҳим самара эканини биламиз. Маҳаллаларда “Ёшлар ва спорт” шиори остида турли мусобақалар, флешмоблар ва спорт фестивалари ташкил этилмоқда. Бу тадбирлар орқали минглаб ёшлар спортга жалб этилиб, соғлом турмуш тарзи ҳаёт меъёрига айланмоқда,-сўзида давом этади Ўткир Нажмиддинов.

Ҳа, спорт фақат медаль ва кубок эмас. Спорт — бу тарбия, спорт — бу муштараклик, спорт — бу келажак учун қўйилган сармоядир. Бухоро спорти бугун шунчаки ютуқларга эмас, балки келажакдаги чемпионлар, олимпиада қаҳрамонларини тарбиялашга асос яратмоқда.

**Зулфизар МАВЛОНОВА,
“ВУО” мухбири**



ШАРИФ ШАҲАР БИРИНЧИ БИЕННАЛЕ ОСТОНАСИДА

Жорий йилнинг кузида Бухорода биринчи маротаба замонавий санъатни ўзида намоён этадиган Бухоро биеннаlesi бўлиб ўтади. Бунинг барча бухороликлар интиқлик билан кутишмоқда.

Маълумки, 2023 йилнинг 11 июль куни Саида Мирзиёева 2025 йилда Бухорода илк Биеннале бўлиб ўтишини билдирган эди. Унинг сўзларига кўра, Биенналеини ўтказиш мақсадларидан бири — Ўзбекистоннинг халқаро санъат ҳамжамиятига қўшилиши ҳамда унинг жаҳон миқёсида маданий-тарихий нуфузини юксалтириши.

Таъкидланишича, Биеннале ташкил этиш ва ўтказиш асносида маҳаллий ва хорижий усталар ҳамда ижодкорларнинг мулоқот қилиш имкониятлари яратилади. Бу эса мутахассислар ўртасида тажриба алмашишга, шунингдек, анъанавий ҳунармандчилик салоҳиятларини замонавий руҳда очиб беришга замин яратди.

Шу нуқтаи назардан, Бухорода илк Биенналенеи ўтказишга тайёргарлик амаллари аллақачон бошланган. Бухоро тарихий марказида маданий мерос объектларини асраш ва техноген жараёнлар таъсирининг олдини олиш ҳамда, аҳоли ва туристлар учун

қулай ҳаракатланиш шароитларини яратиш мақсадида таъмирлаш-тиклаш ишларини амалга оширишда хорижий ва маҳаллий экспертлар, олимлар, тарихчилар ҳамда тажрибали лойиҳачилар жалб этилган.

5 сентябрдан 20 ноябргача бўлиб ўтадиган мазкур тадбирда жаҳоннинг машҳур рассомлари, таниқли усталарнинг асарлари намойиш этилади.

Биеннале шаҳарнинг тарихий марказида бўлиб ўтишини инobatга олиб, ҳозирда мазкур ҳудудда бошланган реставрация, консервация, таъмирлаш-тиклаш ишлари якуний босқичда давом этмоқда.

Вилоят ҳокими Ботир Зарипов мазкур ҳудудда бўлиб, амалга оширилаётган ишларнинг боришини доимий кўздан кечирмоқда. Муҳандис-реставраторлар билан иш жараёнини жадаллаштириш билан боғлиқ вазифалар хусусида суҳбатлашиб, шунга кўра зарур вазифалар белгиланмоқда.

Бугун сифатли таълим ҳар қачонгидан ҳам муҳим масалага айланган. Янги технологиялар, ўзгараётган меҳнат бозори ва глобаллашув шароитида замонавий таълим тизими олдида катта вазифалар турибди. Бу жараёнда ўқитувчининг ўрни бекиёс.

ЗАМОНАВИЙ ЎҚИТУВЧИ – СИФАТЛИ ТАЪЛИМГА ЙЎЛ

Айнан замонавий ўқитувчи таълим сифатининг бош қалити, деб айта оламиз. Чунки замонавий ўқитувчи, аввало, ўз фанини чуқур биладиган, уни замонавий методлар орқали ўқувчига етказишга қодир, педагогик ва ахборот технологияларини яхши ўзлаштирган ҳамда инновацион фикрлайдиган мутахассисдир. Бундай ўқитувчи ўқувчи қалбига йўл топа олади, унга илҳом бахш этади, мустақил фикрлашга, танқидий ёндашувга ўргатади. Бугун анъанавий таълим ёндашувлари ўз-ўзидан замонавий услублар билан бойитилмоқда. Энди синфда фақат дарсликни ўқитиш, қайта ҳикоя қилдириш ёки фақат эслаб қолишга асосланган таълим услублари етарли эмас. Интерфаол методлар, лойиҳа асосидаги ўқитиш, кластер, концептуал хариталар, АКТ воситаларидан фойдаланиш муҳим рол ўйнайди. Буларни амалга ошириш эса айнан замонавий ўқитувчининг маҳорати ва ташаббускорлигига боғлиқ. Қолаверса, глобал дунё тез ўзгараётган бир даврда педагог ўз устида ишлашни, янгилекларни ўрганишни, замон билан ҳамнафас бўлишни қанда қилмаслиги лозим. Чунки эртанги куннинг таълими - бугун шакланган билимга асосланади.

Шунингдек, замонавий ўқитувчи тарбиячи ҳамдир. У ўқувчиларга, нафақат, билим, балки ахлоқий қадриятларни, ватанпарварлик, ҳалоллик, адолат ва меҳнатсеварлик каби сифатларни сингдиради. Шу йўл билан ёш авлодининг фаросатли ва зийрак бўлишига таъсир қила олади. Ўқувчиларнинг ота-онаси билан яқин алоқада бўлиш ҳам ўқувчининг тарбиявий ва психологик ривожини биргаликда мувофиқлаштиради.

Президентимиз таълим сифатини ошириш масаласига бир неча маротаба тўхталиб, ўқитувчининг бу жараёндаги ўрнини алоҳида



таъкидлаган: “Таълим сифатини оширишнинг асосий омиллари – бу замонавий билим ва касбга эга, шижоатли ва фидойи ўқитувчилардир. Биз қандай ислохот қилмайлик, уни амалга оширадиган – ўқитувчилардир”

Ҳа, юртимизда ўқитувчиларнинг касбий салоҳиятини яхшилашга қаратилган давлат сиёсати – бу соҳага берилаётган юксак эътиборнинг яққол ифодасидир. Ўқитувчилар учун яратилаётган шароитлар, уларнинг меҳнатини муносиб қадрлаш ва рағбатлантириш тизими таълим сифатини ривожлантиришга кучли туртки бўлмоқда.

Хулоса шуки, замонавий ўқитувчи – бу таълим сифати, ёш авлод камолоти ва жамият тараққиётининг энг муҳим пойдеворидир. У билим ва тарбия берувчи, янгилек олиб кирувчи, қалб ва онг тарбиячиси. Бундай ўқитувчини тайёрлаш, қўллаб-қувватлаш ва эъозлаш ҳар биримизнинг вазифамиз.

**Исмигул МАРДОНОВА,
Бухоро давлат Педагогика институти магистранти.**



ЗАРМЕД: БУХОРОНИНГ ТИББИЙ ИЛМЛАР МАРКАЗИ



Видеолавҳани QR орқали кўринг

Зармед Университети 2022 йил 7 декабрда, Президент Шавкат Мирзиёевнинг Зармед Pratihka клиникасига таширидан сўнг расман очилган. Ушбу олий таълим муассасаси тиббиёт, иқтисодиёт, қурилиш ва бошқа соҳаларда замонавий билимга эга, рақобатбардош кадрлар тайёрлашга йўналтирилган.

Университет ёш мутахассисларни замонавий тиббий билимлар билан таъминлашга эътибор қаратган. Бу ерда таълим жараёни, нафақат, назарий билимлардан, балки амалиётга, тиббий технологияларни янги усуллар билан қўллашга ҳам асосланади. Замонавий лабораториялар, юқори малакали профессорлар ва амалиётдаги шифокорлар талабаларга юқори сифатли таълим беришга хизмат қилади. Университетда тиббиётнинг турли йўналишлари бўйича мукамал дастурлар мавжуд. Талабалар илмий тадқиқотлар олиб бориш имконига эга бўлиб, янги даволаш усуллари ва тиббий техноло-

гияларни ўрганадилар, дейди Университет ректори Мирали Ҳамроев.

Билдирилишича, жорий йилдаги умумий битирувчилар сони 5099 нафар, жумладан, 51 та таълим йўналиши кундузги шакл бўйича 2549 нафар, сиртки таълим шакли бўйича 17 та таълим йўналиши бўйича 2335 нафар, жами 4884 нафар талаба бакалавр, 36 та мутахассислик бўйича 215 нафар магистр ўқишни тамомлаган. 52 нафар талаба аъло баҳоларга ўқиб имтиёзли дипломларга эга бўлган.

Мазкур университет фаолияти, нафақат, маҳаллий аҳамиятга эга, балки мамлакатнинг соғлиқни сақлаш тизимини янгилаш ва такомиллаштиришга катта ҳисса қўшмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, Зармед университети тиббиёт соҳасида ёш мутахассисларни тайёрлаш, илмий изланишларни амалга ошириш ва мамлакат соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантиришда ўзининг муҳим ўрнига эга. Бухоро шаҳрининг илмий-ибратли юзи сифатида у келажак авлодлар учун умид ва ишонч манбаидир.



2019 йилда Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро давлат Тиббиёт институти ва Туркиянинг Соғлиқ Билимлари Университети (СБУ) ҳамкорлигида ташкил этилган қўшма факультет ilk битирувчиларини кузатиб қўйган эди. Таъкидлаш жоизки, тўрт йўналиш бўйича талабаларга таълим берилаётган мазкур факультетни бугунги кунгача 500 нафарга яқин битирувчини тамомлади.

Яқинда Даволаш иши йўналишини муваффақиятли якунлаган 16 нафар талабага Туркиянинг нуфузли олийгоҳи — Соғлиқ билимлари университети дипломи билан тақдирланди. Дипломларни

университет ректори, доктор Кемалиддин Айдин шахсан топширди.

Битирув тадбири давомида ректор Кемалиддин Айдин қисқа вақт ичида йўлга қўйилган икки томонлама ҳамкорлик самарасида таълим ва тиббиёт соҳасида сезиларли ютуқларга эришилганини таъкидлади. У, шунингдек, ҳамкорлик доирасидаги саъй-ҳаракатлар натижасида битирувчиларнинг халқаро миқёсда тан олинаётгани ва улар бугунги кунда дунёнинг турли нуфузли тиббиёт муассасаларида фаолият юритаётганини мамнуният билан қайд этди.

Битирув маросимида ўзбекистонлик талабалар, уларнинг ота-оналари, профессор-ўқитувчилар ҳамда ҳамкор ташкилот вакиллари иштирок этди. Тадбир иштирокчилари мамлакатимиз раҳбариятига, ҳамкор университетга ва институт жамоасига чуқур миннатдорчилик билдирдилар.



Видеолавҳани QR орқали кўринг

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

“TIMES HIGHER EDUCATION IMPACT RANKINGS 2025” ГЛОБАЛ РЕЙТИНГИ

Бухоро давлат Университетининг “Times Higher Education Impact Rankings 2025” глобал рейтингда дунёнинг нуфузли 800 та университетлари рўйхатидан жой олганлиги муносабати билан ҳамда “Битирувчи–2025: Диплом топшириш маросими” бўлиб ўтди.



Видеолавҳани QR орқали кўринг

“Times Higher Education” халқаро рейтинг ташкилоти томонидан эълон қилинган сўнгги натижаларга кўра, БухДУ дунёда етакчи ТОП

800 олий таълим муассасалари сафидан ўрин олди.

Вилоят ва республика миқёсидаги бир қатор нуфузли меҳмонлар, олийгоҳ раҳба-

рия, профессор-ўқитувчилар, талабалар ҳамда ота-оналар иштирокида “Битирувчи–2025: Диплом топшириш маросими” ташкил этилди.

Бухоро давлат университетини 2024/2025 ўқув йилида 51 та таълим йўналиши кундузги шакл бўйича 2549 нафар, сиртки таълим шакли бўйича 17 та таълим йўналиши бўйича 2335 нафар, жами 4884 нафар талаба бакалавр, 36 та мутахассислик бўйича 215 нафар магистр ўқишни тамомлади. Умумий 5099 нафар битирувчи, шундан 3524 нафари аёл, 1575 нафари эркак, 907 нафари грант ва 4192 нафари тўлов шартнома асосида тахсил олди.

Жорий ўқув йилида 52 нафар талаба аъло баҳоларга ўқиб имтиёзли дипломларга эга бўлди.



Видеолавҳани QR орқали кўринг

ЯНГИ ОИЛАВИЙ БОЛАЛАР УЙИ ФАОЛИЯТ БОШЛАДИ

Бухоро шаҳрида Зафар Ғафоров ва унинг турмуш ўртоғи Мунира Раҳматуллаева ташаббуси билан ташкил этилган 1-сонли оилавий болалар уйи ана шу эзгу мақсад йўлида фаолият юритмоқда. Уларнинг 3 нафари қиз болалар бўлиб, ҳар бири ўзининг истеъдоди ва қизиқишларига эга. Яна бир чақалоқ ўғил бола эса бу оила бағрида меҳр билан улғаймоқда.

MUASSIS : O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI YOSHLAR ISHLARI AGENTLIGINING BUXORO VILOYATI YOSHLAR ISHLARI BOSHQARMASI Bosh muharrir : Laylo HAYITOVA Gazeta Buxoro viloyati Matbuot va axborot boshqarmasi tomonidan 2017 yil 15 dekabrda 05-081 tartib raqami bilan ro'yxatga olingan.	BOSH HAMKOR: O'zbekiston yoshlar ittifoqi Buxoro viloyati Kengashi TAHRIIR HAY'ATI: Shavkat Rahmonov Baxtiyor Adilov Mirali Hamroyev Mirshod Ochilov Dilshod Yo'ldoshev Jamol Nosirov	TAHRIIRIYAT MANZILI: Buxoro shahri, Alisher Navoiy ko'chasi, 20-uy. TAHRIIRIYAT HISOB-RAQAMI: 20210000404114165001 "Agrobank" Buxoro shahar filiali, MFO: 00089, OKONX: 87100, STIR: 203590296 Nashr ko'rsatkichi: 3051	ISSN 2181-6557 9 772181 655003 SAHIFALOVCHI - DIZAYNER: Xurshid Abdullayev	Gazeta "Photo Express" XICH ofset usulida 1407 nusxada chop etildi. Bosmaxona manzili: Qarshi shahri, Mustaqillik shox ko'chasi, 22-uy Navbatchi muharrirlar: Zulfizar Mavlonova Dilnavoz To'xtayeva Hajmi 2 bosma taboq. Qog'oz bichimi A-3. -buyurtma. Topshirildi — 10:00. Chop etish vaqti: 11:00 Bahosi kelishilgan narxda 15.07.2025 yil www.buxoro-yoshlari.uz sayti orqali biz bilan birga b'ling.
---	--	--	--	---